**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

**Нукус шаҳри** **Нөкис қаласы**

№ 188 «13» Март 2018 й.ж

**Валютанинг мақсадсиз чиқиб кетишини олдини олиш, импортни қисқартириш, унинг ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни "2018 йил январь-февраль ойларида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш ишлар ҳолати, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд захираларни аниқлаш ва тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни "2018 йил январь-февраль ойларида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш ишлар ҳолати, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд захираларни аниқлаш ва тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур баёни топшириқлари билан:

а) Давлат божхона қўмитасига (Азимов, Арипов) **ҳар ойнинг 10 санасига** қадар четдан кириб келаётган товарлар ҳажмини таҳлил қилиб, тегишли таҳлилий материалларни Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига тақдим этиб бориш;

Бош вазир ўринбосари С.Холмурадовга, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Бекенов) импорт ҳажми юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш ва амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида **ҳар чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритиш топширилганлиги;

б) Иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи А.Мавлоновларга **бир ҳафта муддатда** ўзлари раҳбарлигида Импорт муаммоларини ўрганиш, уни иқтисодиёт тармоқлари ҳамда



республика ҳудудлари кесимида оптималлаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш юзасидан Ишчи гуруҳини тузиш топширилганлиги;

Ишчи гуруҳи (Хўжаев, Мавлонов) тизимли равишда ишларни ташкил этиб, доимий равишда фаолият кўрсатаётган ҳудудий Ишчи гуруҳларини тузиш, ва ҳудудий Ишчи гуруҳларига вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари раҳбарлик қилиши белгиланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Мавлоновга, Бош Прокурор О.Муродов икки ҳафта муддатда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг республикадан валюта мақсадсиз чиқиб кетишини олдини олиш, импортни қисқартириш, унинг ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш юзасидан тизимли ишларни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, киритиш топширилганлиги;

г) Импортни оптималлаштириш бўйича Ишчи гуруҳига (Мавланов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари кунига **икки соат** импорт масаласи билан шуғулланиш, шунингдек импортни мунтазам таҳлил қилиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмак беришни таъминлаш топширилганлиги;

Туманда бу масалалар бўйича **ҳокимларнинг биринчи ўринбосари ва прокурорнинг 386 та қўшимча штат берилган ўринбосар ва ёрдамчилари** зиммасига юклатилганлиги;

д) Бош вазир ўринбосари - Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарларига **вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари ҳам импорт масалалари бўйича Ишчи гуруҳлари учун** белгиланган тартибда ўзларининг тизимлари бўйича ишларни ташкил этишни таъминлаш;

е) Импортни оптималлаштириш бўйича Ишчи гуруҳига (Мавланов) **импорт бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳафтада 2 марта** Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ва Бош прокурор О.Муродов ҳузурида тегишли идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарлари иштирокида **муҳокама қилиб бориш;**

ж) Савдо-саноат палатасига (Икрамов) импортни қисқартириш бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан жойларга чиққан ҳолда учрашиб, тушунтириш ишларини олиб бориш режасини **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиш;

з) Навоий вилояти ҳокимлигига (Турсунов) "Навоий КМК" ДК (Санакулов), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Абдуллаев) билан биргаликда "Навоий КМК" ДК ва "Навоийазот" АЖ томонидан импорт қилинаётган маҳсулот турларини ўрганиб,

уларни вилоятда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

и) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари **ўн кун муддатда**:

ҳудудий экспорт ҳажмини камида 30 фоизга ошириш ва вилоятга кириб келаётган импортни йил давомида 30 фоизга оптималлаштириш бўйича алоҳида **2 та қарор қабул қилиш ва ижросини кундалик назоратга олиш;**

й) Вазирлар Маҳкамасининг комплексларига, вазирликлар, идоралар ва компаниялар раҳбарлари икки хафта муддатда импорт ҳажмини эса камида 30 фоизга оптималлаштириш юзасидан ҳар бир комплекс кесимида "йўл харита"ларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповга киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповга "йўл харита"лари ижросини шахсан назоратга олиш;

к) Бош вазир ўринбосари Н.Отажоновга, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Э.Таджиев, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент бошлиғи А.Мавлонов жорий йилнинг 28 февралдан бошлаб, график асосида ҳар бир вилоятга бориб, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тадбиркорлар билан учрашиб, импортни камайтириш бўйича "йўл харита"ларни ишлаб чиқиш, туман ва тадбиркор кесимида ижросини ташкил этиш ҳамда назоратга олиш;

л) Ҳисоб палатасига (Икрамов) Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган импорт ҳажмлари тўғрисида **ҳар ойнинг 25 санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот киритиб бориш;

м) Савдо-саноат палатаси (Икрамов) ҳар ойнинг 25 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган импорт ҳажмлари тўғрисида маълумот киритиш;

н) ушбу баён бандлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар ойнинг 8 санасигача Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига батафсил ахборот киритиб бориш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Валютани мақсадсиз чиқиб кетишини олдини олиш, импортни қисқартириш, унинг ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш юзасидан доимий мониторинг қилиш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби **1-иловага** мувофиқ ва Ишчи гуруҳ аъзоларини Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликларига бириктирлиши **1а-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

Ишчи гуруҳи (Қайпбергенов) тизимли равишда ишларни ташкил этиб, доимий равишда фаолият кўрсатаётган ҳудудий Ишчи гуруҳларини тузсин ва ҳудудий



Ишчи гуруҳларига Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимлари бошлиқлари раҳбарлик қилиши белгилансин.

4 Иқтисодиёт тармоқлари томонидан маҳсулотларнинг импорт қилиниши, маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси аҳволини танқидий ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибининг жойларга чиқиб учрашув ўтказиш графиги **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси (Файзуллаев) **ҳар ойнинг 8 санасига** қадар четдан кириб келаётган товарлар ҳажмини таҳлил қилиб, тегишли таҳлилий материалларни Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасига (Садиков) тақдим этиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарига (Б.Хабибуллаев), Инвестициялар бўйича қўмитаси (Садиков) билан биргаликда импорт ҳажми юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида инвестициялар жалб қилишни жадаллаштирсин ва амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида **ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10 санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритиб бориш топширилсин.

7. Импортни оптималлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ (Қайпбергенов):

- Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари бошлиқлари кунига **икки соат** импорт масаласи билан шуғуллансин, шунингдек импортни мунтазам таҳлил қилиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмак беришни таъминласин;

- жорий йилнинг 23 мартдан бошлаб, график асосида ҳар бир шаҳар ва туманларга бориб, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тадбиркорлар билан учрашиб, импортни камайтириш бўйича **"йўл харита"**ларни ишлаб чиқсин, туман (шаҳар)лар ва тадбиркор кесимида ижросини ташкил этсин ҳамда назоратга олсин;

- импорт бўйича амалга оширилаётган ишларни **ҳафтада 2 марта** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси ҳузурида тегишли идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида **муҳокама қилиб борилиши белгилаб қўйилсин.**

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов – Вазирлар Кенгашининг комплекслари раҳбарларига вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари ҳамда импорт масалалари бўйича Ишчи гуруҳлари учун белгиланган тартибда ўзларининг тизимлари бўйича ишларни ташкил этишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига (Зарикеев):

- импортни кискартириш бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан жойларга чиккан холда учрашиб, тушунтириш ишларини олиб бориш режасини **беш кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдим этиш;

**- хар ойнинг 25 санасига кадар** кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган импорт ҳажмлари тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига маълумот киритиш топширилсин.

10. Нукус шаҳри ва туманлар хокимлари **бир хафта муддатда** худудга кириб келаётган импортни йил давомида 30 фоизга оптималлаштириш бўйича алоҳида **карор кабул килсин ва ижросини кундалик назоратга олсин.**

11. Вазирлар Кенгашининг ўринбосарларига, вазирликлар, идоралар ва компаниялар раҳбарлари **бир хафта муддатда** импорт хажмини камида **30 фоизга оптималлаштириш юзасидан** хар бир комплекс кесимида **"йўл харита"**ларини ишлаб чиксин ва тасдиклаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, Вазирлар Кенгашининг комплекслари таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган импорт хажмлари тўғрисида **хар ойнинг 25 санасига кадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот киритиб борсин.

13. Ушбу баён бандлари ва уларга мувофик кабул килинган хужжатлар ижроси юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Нукус шаҳри ва туманлар хокимликлари **хар ойнинг 6 санасигача** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига батафсил ахборот киритиб борсин.

14. Мазкур баён топширикларн ижросини назорат килиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б.Хабибуллаев ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга карши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошкармаси Р.Садиковлар зиммаларига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**



**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил ___ мартдаги**
**_______-сонли карорига**
**1-илова**

**Иктисодиёт тармоклари томонидан махсулотларнинг импорт килиниши, махаллийлаштириш дастурлари ижроси ахволини танкидий ўрганиш ва таклифлар ишлаб чикиш бўйича**

**ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ**

| № | Ф.И.Ш. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Р.Садиков | - Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга карши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошкармаси бошлиги, **Ишчи гурух рахбари** *(келишуви билан)* |
| 2. | А.Қайпбергенов | - Қорақалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазири ўринбосари, **Ишчи гурух рахбари ўринбосари** |
| 3. | Б.Хабибуллаев | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари |
| 4. | В.Жоллыбеков | - Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили |
| 5. | К.Артиков | - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари |
| 6. | А.Убайдуллаев | - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири ўринбосари |
| 7. | М.Тажимуратов | - Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича кўмитасининг бўлим бошлиги |
| 8. | И.Казаков | - Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошкармаси бошлиги ўринбосари |
| 9. | К.Байжанов | - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солик бошкармаси бошлиги ўринбосари |
| 10. | А.Джолдасов | - Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошкармаси бошлиги ўринбосари |
| 11. | Қ.Азербаев | - Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошкармаси бошлиги ўринбосари |
| 12. | Б.Сабуров | - Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошкармаси бошлигининг биринчи ўринбосари |
| 13. | А.Шамуратов | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Иктисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибият бошлиги |

14. С.Сапарбаев - Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи

15. У.Исмаилов - Қорақалпоғистон Республикаси Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи

17. К.Пирназаров - "Ўзбекозиковкатхолдинг" ХКнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

18. *Лавозими бўйича* - "Ўзэлтехсаноат" АЖ нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

19. *Лавозими бўйича* - "Ўзқурилишматериаллари" АЖнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

20. А.Сержанов - Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори

21. Ш.Шинибаев - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили

22. П.Байжанов - Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи, **Ишчи гурух котиби**

***Изох:*** *Ишчи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд илмасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

*Заруриятга қараб Ишчи гурухига юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали хал этилишини таъминлаш учун унинг фаолиятига мутасадди вазирлик, идоралар, Нукус шахри ва туманлар хокимликлари 4 та сектор рахбарлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.*



**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил "__" мартдаги**
**____-сонли қарорига**
**1а-илова**

**Иқтисодиёт тармоқлари томонидан махсулотларнинг импорт қилиниши, махаллийлаштириш дастурлари ижроси ахволини танқидий ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гурух таркибининг Нукус шахри ва туманларга масъул этиб**

**Б И Р И К Т И Р И Л И Ш И**

| № | Шахар ва туманлар номи | Нукус шахри ва туманларга бириктирилган вазирлик ва ташкилотлар | | Нукус шахри ва туманларга бириктирилган тижорат банклари | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ф.И.Ш | лавозими | Ф.И.Ш | лавозими |
| 1 | Нукус шахри | Р.Садиков | Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг ҚР бошқармаси бошлиғи | Б.Абдиканбаров | ДАТ "Асака банк"нинг ҚР филиали бошлиғи ўринбосари |
| 2 | Тахиатош тумани | В.Жолдыбеков | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили | К.Бердимбетов | АТБ "Саноат қурилиш банк"нинг ҚР минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари |
| 3 | Мўйнок тумани | И.Казаков | Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари | М.Матмуратов | АТБ "Капитал банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 4 | Қўнғирот тумани | К.Азербаев | Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Б.Мамбетов | АТБ "Саноат қурилиш банк"нинг ҚР минтақавий филиали бошлиғи |
| 5 | Конликўл тумани | А.Жолдасов | Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари | А.Утегенов | АТБ "Ипотека банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 6 | Шўманой тумани | М.Гажимуратов | Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасининг бўлим бошлиғи | Б.Утегенов | "Турон банк"нинг Нукус филиали бошлиғи |
| 7 | Тўрткўл тумани | К.Артиков | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари | К.Тлемуратов | ТИФ "Миллий банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8 | Беруний тумани | Қ.Пирназаров | "Ўзбекозиковкатхолдинг" ХКнинг ҚР вакили | К.Хожанов | АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ҚР Минтақавий филиали бошлиғи |
| | | Лавозими бўйича | "Ўзқурилишматериаллари" ХКнинг ҚР вакили | | |
| 9 | Элликқалъа тумани | А.Қайпбергенов | Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари | А.Садиков | АТБ "Халқ банк"нинг ҚР филиали бошлиғи ўринбосари |
| 10 | Амударё тумани | А.Убайдуллаев | Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири ўринбосари | Р.Утамбетов | АТБ "Микрокредит банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 11 | Хўжайли тумани | С.Сапарбаев | Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛККК департаментининг ҚР бошқармаси бўлим бошлиғи | Ж.Балтабаев | "Агро банк"нинг ҚР бошқармаси бошлиғи |
| 12 | Нукус тумани | К.Байжанов | Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари | М.Тажетдинов | АТБ "Инфин банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| | | | | Б.Генжебаев | АТБ "Халқ банк"нинг ҚР филиали бошлиғи ўринбосари |
| 13 | Кегейли тумани | У.Исмоилов | Қорақалпоғистон Республикаси Стандартлаштириш ва метерология бошқармаси бошлиғи | Б.Китайбеков | ДАТ "Асака банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 14 | Чимбой тумани | Ш.Шинибаев | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҚР вакили | К.Аметов | АТБ "Хамкор банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| | | Лавозими бўйича | "Ўзэлтехсаноат" АЖ нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили | | |
| 15 | Қораўзак тумани | А.Сержанов | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори | О.Қосжанов | АТБ "Алоқа банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 16 | Тахтакўпир тумани | Б.Сабуров | Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари | С.Жолдасбаев | АТБ "Агро банк"нинг ҚР бошқармаси бошлиғи ўринбосари |



**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил "___" мартдаги**
**______-сонли қарорига**
**2-илова**

**Иқтисодиёт тармоқлари томонидан маҳсулотларнинг импорт қилиниши, маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси аҳволини танқидий ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибининг жойларга чиқиб учрашув ўтказиш**

**ГРАФИГИ**

| т/р | Туманлар номи | 2018 йил март ойида | | | | 2018 йил апрель-декабрь ойларида | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 23 сана | 24 сана | 26 сана | 27 сана | 7 сана | 14 сана | 21 сана | 28 сана |
| 1 | Нукус шаҳри | | | | | | | | |
| 2 | Нукус тумани | ■ | | | | ■ | | | |
| 3 | Хўжайли тумани | | | | | | | | |
| 4 | Тахиатош тумани | | | | | | | | |
| 5 | Амударё тумани | | | | | | | | |
| 6 | Беруний тумани | | ■ | | | | ■ | | |
| 7 | Элликқалъа тумани | | | | | | | | |
| 8 | Тўрткўл тумани | | | | | | | | |
| 9 | Кегейли тумани | | | | | | | | |
| 10 | Чимбой тумани | | | ■ | | | | ■ | |
| 11 | Қораўзак тумани | | | | | | | | |
| 12 | Тахтакўпир тумани | | | | | | | | |
| 13 | Шўманой тумани | | | | | | | | |
| 14 | Қонлиқўл тумани | | | | ■ | | | | ■ |
| 15 | Қўнғирот тумани | | | | | | | | |
| 16 | Мўйноқ тумани | | | | | | | | |

***Изоҳ:*** *Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари жойларда белгиланган муддатларда ўтказиладиган учрашувга пухта тайёргарлик кўриш, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорларнинг фаол қатнашишини таъминлаш сўралади*